

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 12 апрель Шанба. № 30 (14423)

## ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 11 апрель кунин Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди.

Республикамиз раҳбари Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар тора мустақамланиб бораётганини таъкидлаб экан, жаноб В. Биркавснинг маъруза ташрифи икки мамлакат алоқаларининг янада ривож топишига хизмат қилади, дея ишонч билдирди.

В. Биркавс Латвия Ўзбекистон билан ҳар томонлама ўзаро алоқаларнинг мустақамланишидан манфаатдор эканини қайд этиб, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатида танлаганимиз тўғрисидаги вақт исботламоқда, деди.

Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, турли соҳаларда буйича имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тўла талбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Латвиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси А. Вилцанс ҳозир бўлди.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

11 апрель кунин мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия ташқи ишлар вазири В. Биркавс Ўзбекистон Бош вазири Уткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида транспорт, sanoat, қишлоқ хўжалиги, савдо ҳамда молия соҳаларида, хусусан банкларро ҳамкорликни кенгайтириш ва бу боралдаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).



## КЕЛАЖАК СЌНИКИ, БОЛАЖОН

Мамлакатимизда келажакимиз эгалари — ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга катта аҳамият берилаётир. Мактабларда Наврўз тантаналарига «Алифбе» байрамлари уланиб кетмоқда.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 114-ўрта мактабда бу аънавий байрам айниқса, кўтаринки руҳда нишонланди. Байрамни 1-«Д» синф ўқувчилари бошлаб беришди. Бежирим кийинган, кўзларида илмга чанқоқлик барқ уриб турган ўғил-қизлар лотин алифбоси асосидаги

Ўзбек ёзувини эгаллаганликларини намойиш этдилар. Жонқуяр устозлар меҳнати, ота-оналар олқишига сазовор бўлди.

Мактаб гимназия макomini олганига уч йил бўлапти. Бу ерда ўзбек ва инглиз тиллари, иқтисодийёт асослари, ЭХМ дарслари чуқур ўргатилади.

Маданий-тарбиявий ишларга катта эътибор берилади. Тошкент цирки ва қўғирчоқ театри санъаткорлари тез-тез келиб туришади.

**З. ТОШХУЖАЕВ,  
Д. ЮСУПОВ олган суратлар.**

## «ЁШЛАР КАМОЛОТИ — ВАТАН РАВНАҚИ»

«Камолот» жамгармаси Фарғона вилоят бўлими «Фарғона ҳақиқати», «Ферганская правда» рўномалари ва вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорликда мустақилигимизнинг 6 йиллиги олдидан ижодий асарлар учун «Ёшлар камолоти — Ватан равнақи» мавзусида танлов эълон қилди.

Унга тақдим қилинадиган асарларда ёшлар маънавияти, руҳий дунёси, яратувчилик ва бунёдкорлик иқтидори, орзу-умидлари, меҳнат жамоалари, «Камолот» жамгармасининг барча даражадаги тизимларида амалга оширилаётган муҳим аҳамиятга молик ишлар ўз ифодасини топиши лозим.

Энг яхши асарлар вилоят рўномаларида, радиотелевидениесида ёритиб борилади, — дейди жамгарма вилоят бўлими раиси А. Мирсалимов. — Ғолибларни катта ҳажмдаги пул мукофотлари кутмоқда. Танлов Ватанимиз мустақилиги байрами арафасида аяқланади.

## ОМАД ШУҲРАТГА ЭШ БЎЛАДИ

Шуҳрат шеър ўқишни яхши кўради. У билан соатлаб мушоира қилиб ўтирадиган Ҳайдаржон домласини яхши кўради. Футболни эса... асти қўяверасиз... Пеледан бошлаб Миржалол Қосимовгача ҳар қандай маълумотни ундан сўрайверасиз... Шундай ўт-олов, бебос боланинг чала-чулпа қилиб дарслар ёритилган дафтарларини тахлаётган онаси алоҳида дафтарга чиroyли қилиб ёзилган шеърларини кўриб ҳайрон қолади. Бирин ақли гапларни ёзгани:

*Ериш тошма, отма унга ўқ,  
Унда ҳам юрак бор, инглайдим.  
Аюви тошларнинг кўксига  
Бобурнинг фиғони ухлайди.*

Онаси ўглининг маржондай тизилган сатрларини кўзига суртади. Мактабда ўтказилган тадбирларда жўшиб-жўшиб шеър ўқиса, ўртоқлари унга ҳавас билан қарайди: «Шеър нима ўзи, Шуҳрат? Қандай ёзсан уни? Шеър ёзиш учун сенга ўхшаб шўх бўлиш керакми?»


Шуҳрат дўстлари айтгандай ақли, довурак бола. Ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олади ва дадиллик билан ҳаракат қилади. Утган ва бу ўқув йилларида туман, вилоят олимпиадаларида адабийёт фанидан қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

Шу йилнинг 26-27 март кунлари ўтказилган Республика иқтидорли болаларнинг аънавий VI анжуманининг совриядори.

Халқ таълими вазири ва Улуғбек жамгармаси ҳамкорлигида ўтказилган бу слёт Шуҳратда жуда катта таассурот қолдирди. Аввало, Тошкентга биринчи бор келиши. Бу кунларни шунчалар орзиқиб кутгандики...

У слёт баҳона кўпгина орзуларига эришди. Селимли журналларнинг ходимлари билан учрашди, «Келажак тоғи», «Камалак» эшиттиришларида қатнашди, пойтахтимизнинг энг чиroyли кўчаларини томоша қилди.

— Ана шундай бахтли кунларим учун устозла-



рим Ҳайдаржон Умаров, Тожиқон Охунжонова ва Муҳтарамон Раҳматуллаевалардан миннатдорман, — дейди Фарғона вилояти Учқўприк ноҳиясидаги 20-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шуҳрат Ориф.

Келажакдаги орзулари эса... албатта, бир дунё Тошкент Давлат университетети журналистика факультетида ўқиш... Қорийий тилларини яхши ўзлаштириб олгач, Англияга бориб ўқишни давом эттириш...

Ижодий ишларини ҳам бирдай давом эттириб, ўзи яхши кўрган шоирлар Абдулла Ориф, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуфларга ўхшаб халқ севган ижодкор бўлиш...

Дейдиларки ирмоқлар дарёларга туташарми... Дарёлар эса...

Қалбидарё укагинам, уммонларга бўлган сафаринг бехатар бўлсин!  
Муҳтасар **ТОЖИМАМАНОВА**

ШЕЪРИМ

*Шеърим...  
Соглигим, баҳорим,  
Ҳижронда ўртанган сублимим.  
Дунёда борлигим ҳақида,  
Қўшиқлар куйлаган буабулим.*

*Шеърим...  
Соглигим, баҳорим,  
Побисиз йўларда йўлдошсан.  
Номини елкада ойнаб,  
Нихолага тунгучи кўйсан.*

*Шеърим...  
Соглигим, баҳорим,  
Мен сенга тўқанган УЗИМИ.  
Ва сенга ойнаган ўқларга,  
Тутаман ишқ тўла кўксимни...*

Шуҳрат **ОРИФ**

## МАҲСУЛОТПАР — ЧЕТ ЭЛГА

Андижон туманининг Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги «Тиксанти» қўшма корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у ўз маҳсулотлари билан республикамизда тезда танилди.

Корхона чок машиналари ишлаб чиқаради. Икки хил турдаги бу маҳсулотлар республикамизнинг барча вилоятларида, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида, хусусий фирмаларга шартномалар асосида етказиб берилмоқда.

Корхонада асосий ишчи кучини ёшлар ташкили этади. Ишлаб чиқариш ҳаммининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 150 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса 145 фоизга етди.

Жорий йилда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш кўпайганини ҳам жиддий силжиш, тўб бурилиш палласи, деб баҳолаш мумкин.

Эндиликда корхонада жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни чет давлатларга ҳам экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

**Ф. ОРИПОВА,  
«Туркистон»  
мухбири.**

## «ҲАМШИРА-97»

«Камолот» жамгармасининг Яққабғ тумани ва соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида «Ҳамшира-97» кўрик-танлови ўтказилди. Марказий шифохонанинг шинам залда бўлиб ўтган ушбу тадбирда 16 та соғлиқни сақлаш муассасаларидан ҳамшира қизлар иштирок этдилар. Қизлар бешта босқичда, яъни ташриф, назарий саволлар, ҳақамлар топшириги, амалий билимлар ва кундалик вазифалар ҳамда бадний кўрик шартлари буйича беллашилди. Ҳамшира қизларининг ҳар бир чиқишлари, амалий ва назарий билимлари, улар томонидан ижро этилган чиroyли шеър, қўшиқ ва лапарлар, сахнавий кўринишлар томошабинларга завқ бағишлади.

Уларнинг зукколиги, эпчилиги, ўз касбининг билимдони эканлигини, бадий маҳоратларини қойилмақом қилиб кўрсатиб берган «Фанок» шифохонасининг ҳамшираси Нодира Нормунинова ва 2-шифохона ҳамшираси Инобат Раҳматовалар 1-ўрин, туман турғўнасининг ҳамшираси Зулқумор Қодирова 2-ўрин, туман марказий шифохонасининг ҳамшираси Марҳаб Очилвалар 3-ўрин соҳиблари бўлишди.

Кўрик-танлов ғолибларига «Камолот» ёшлар жамгармаси туман бўлимининг қимматбах соғвалари топширилди.

**Маърифат КАРИМОВА,  
«Камолот» жамгармаси туман бўлими етакчи мутахассиси.**

## Қисқа сатрларда

### ЙИГИТ, ХИЗМАТГА БЎЛ ТАЙЁР!

Яқинда Самарқанд шаҳрида армия сафига чақирилувчилар кунин ўтказилди. Чақирилувчиларни ҳарбий бўлимида аскарлар ҳаёти, улар нималар билан машғул бўлиши билан яқиндан таништирилди. Улар бу ерда, спорт мусобақаларида аскарлар билан биргаликда иштирок этишди. «Барс» ҳарбий-ватанпарварлик клуби аъзоларининг кўргазмали чиқишларини томоша қилишди.

Фаҳрийлар, ҳарбийлар бу ерда бўлган чақирилувчиларга яқин кунларда мана шундай аскарлик ҳаётини бошлашларини айтиб, уни намунали ўташларига омад тилашди.

### МЕҲРДА ГАП КЎП

«Камолот» жамгармаси Самарқанд бўлими ходимлари шаҳардаги қариялар уйига ташриф буюришди. Ҳозирги кунда қариялар уйида ногирон ва кексалар истиқомат қилишади. Жамгарманинг «Камолот-нихол» фирмаси ва «Кока-кола» қўшма корхонаси Самарқанд бўлими бу ерда яшовчи қарияларга шодлик улашди.

Дастурхонга меҳмонлар келтирган шарбатли ичимликлар тортилди.

(Ўз мухбиримиз).

## БОЛАЛАР ШОДИЁНАСИ

Ўзбекистонимиз бўйлаб Наврўз нафаси кезмоқда. Маҳалла ва гузарларда, ўқув даргоҳларида, меҳнат жамоаларида байрам тадбирлари давом этаётир.

Тошкент Давлат Аграр университети қошидаги ўзбек-турк лицейи ҳам ота-оналар, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Университет ректори, Олий Мажлис депутати Х. Бўриев, Миср Араб Республикаси Элчихонаси Фан ва таълим Маркази раиси А. Шиха, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Тошкент вилояти халқ таълими бўлими вакиллари йиғилганларни муборак айём — меҳр-муруват, баҳор байрами билан қизгин кутладилар.

Лицей ўқувчилари — республика, вилоят, туман олимпиадалари ғолибларига эсдалик соғвалари топширилди. Яна бир соғва — байрам арафасида янги ошхона ишга туширилди. Наврўз таомлари шу ерда тайёрланди.

**Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,  
лицей 11-синф ўқувчиси.**

10 апрель кунин Олий Мажлисда «Жамиятни янада демократиялаштириш шароитида оммавий-аҳборот воситаларини ривожлантириш» масалаларига бағишланган тадбирларни амалга оширувчи ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни маъруз гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис матбуот ва аҳборот қўмитасининг раиси У.Ҳошимов бошқарди.

Йиғилишда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган ибратли ишларни қайд этиш билан бирга бу йўналишда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, долзарб масалалар борлиги ҳам таъкидланди.

«Камолот» жамгармаси Андижон вилоят бўлими ҳудудий бўлими билан ҳузурда ташкил этилган кўп тармоқли кичик корхоналар, фирмалар, фермер хўжалиқлари сонин 35 тага етди. Уларда 350 дан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.



Сирдарё вилоятидаги меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда «Камолот»нинг 389 та жамоатчилик марказлари ташкил этилган. Қишлоқ жойларда тўзилган марказлар ўз томорқасига эга бўлиб, ҳозир улар баҳорги экин экишни жадал бошлаб юборишди.

«Ўзқспомарказ»да «Орол денгизи минтақасига ёдам учун халқаро кўргазмалар» мавзусида учрашув бўлди. Унда дорин-дармон ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган бир қанча қорийий фирмалар, Республика Соғлиқни сақлаш вазирилик вакиллари иштирок этди.

Тошкентда Жаҳон тиллари Давлат университети ҳузурда Япония маркази очилди.

Университетда турк, грек, корей каби бир қанча халқлар марказлари ҳам ташкил этилган.

Бу ерда маъруз халқларнинг тарихи, маданияти, иқтисодини ва сиёсати ҳақида қизиқарли маълумотлар билан танишиш мумкин.

Бразилиялик эколог Спандей Поссеуэл Амазонас штатининг Апту-Сопиманс ҳудудда эъларини «Корубуслар» деб атайдиган хиндилар қабилига дуч келди. «Корубуслар» қабилини шу пайтгача «оқ танли»ларни учратмаган дунё цивилизациясидан ажралиб қолган экан.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ва Республика таълим маркази ташкил этган «Она тилим — жону дилим» шiori остида «Ўзбек тили» доимий анжуманининг тўртинчи конференцияси иш бошлади. Ўқув муассасаларидаги тил таълимининг тақомиллаштиришга қаратилган бу анжуман 1991 йилдан бун ҳар йили йилда бир ўтказилиб келинмоқда. Иккинчи кун давом этадиган бу йилги конференция таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари муаммосига бағишланди.

«Туркистон» ва ЎзА кабарлари асосида тайёрланди.

**"Туркистон"**  
газетаси  
реклама учун энг қулай имконият  
реклама ва эълонлар учун  
телефон: 339897, 337888

«Камолот» — мустақиллик фарзанди

# ШАКЛЛАНИШ ВА ЖИПЛАШИШ БОСҚИЧИ

«Камолот» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Н. Нағметов билан мулоқот

— «Камолот» жамғармаси ташкил топган ўтган бир йиллик муддатни Сиз қандай таърифлаган бўлар эдингиз?

— Ўтган давр жамғармамиз учун ташкилий, маънавий-маърифий жиҳатдан шаклланиш ҳамда жиплашиш боسقичи бўлди.

Тўғри, Оролбўйи ҳудудимизда экологик вазият қувонarli эмас. Аммо мустақиллик тўғрисида Қорақалпоғистон иқтисодиётида сезиларли ўзгаришларга эришилмоқда. «Катекс», «Элтекс» қўшма корхоналари, Хўжайли шиша, Қўнғирот карбит, Нукус мрамар заводлари, бошқа қатор катта-кичик ишлаб чиқариш ўришларининг фойдаланишга топширилиши, Қўнғирот сода заводи, «Учқудук-Султонвайсто», «Қўнғирот-Бейнов» темир ва автомобиль йўллари, «Газли-Нукус» газ қувурининг иккинчи навбати, «Бустон» каналининг қурилатганилиги фикримиз далилидир.

Уларнинг ҳаммасида ёшлар зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Қорақалпоғистон ёшларининг моддий ва маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлиминининг бош вазифаларидан биридир.

— Ўтган даврда амалга оширилган ишлардан қоний ҳосил қилдингизми?

— Ишимизни кенг қўламда ташкил эта олдик, дейишга ҳали вақт бор. Аммо бир нарсани бемалол қайд этиш мумкин: республика ёшлари «Камолот» жамғармаси теваарағида бирлашмоқдалар. Биргина бизнинг Қорақалпоғистонда жамғарманинг 945 та жамоатчилик маркази ташкил этилди. Бу минглаб, ўн минглаб йигит ва қизларнинг истиклолчилик мустақамлашга биргаликда иштирок этаётганлигини билдиради.

— «Камолот» қайси жиҳатлари билан собиқ Ёшлар Иттифоқидан фарқ қилади?

— Биринчидан, собиқ Ёшлар Иттифоқи турмушининг моддий таъминоти аззо-

лик бадаллари эвазига қуриларди. «Камолот» жамғармасининг эса ўз таркибидидаги кўп сонли ёшлар камолини ўйлайдиган йирик корхоналар, хўжаликлар, концертлар ҳомийликка олган. Иккинчидан, жамғарманинг ўзи маблаг топади, ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Жамғарманинг Қорақалпоғистондаги 17 та шаҳар ва туман бўлимлари ҳузурда тўридан, айрим жойларда иккитадан кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Учинчидан, жамғарма ёшларнинг ижтимоий муаммолари, биринчи навбатда меҳнатга жалб этиш билан ақайдан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 8782 кичик ва хусусий корхона фаолият кўрсатиб, уларда 66952 нафар ишбилармон бўлиб уларнинг яримдан кўпрогини ёшлар ташкил этади. Жамғармамиз ёшларда бозор иқтисоди хўжалиқлари, тадбиркорлик хислатларини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирча жамғарма бўлинмаларининг ҳамма-

сида ҳам мустақам молиявий вазият вужудга келгани йўқ. Шундай шарт-шароит юзага чиққан, ишимиз янада унумлироқ бўлади, албатта.

— Жамғарма бўлими ёшларнинг жисмоний ҳамда маънавий камолини таъминлаш борасида қандай ишларни уйдламоқда?

— Айрим «башоратчи»лар Оролбўйи ҳудуди аҳолиси тўридан ўта буртирилган «хўш»лар чикараётган бир даврда ёш спортчиларимиз жаҳон беллашуварларида мамлакат шаънини ҳимоя қилмоқдалар. Тахиятошлик ёш оғир атлетикачиларимиздан бири Атлантда, бири Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашди. Жамғарма бўлими ҳузурда «Камолот-Берк» спорт клуби туздиқ. «Берк» атамаси қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига ўтирилганда «метиндек мустақам» дегандир. Клуб аъзолари каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионатидаги учта: биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллашди. Клуб аъзоси Р. Қозоқов Туркияда ўтказилган халқаро белла-

шувга жўнаб кетди.

Маънавий соҳасида ҳам дуруст натижаларга эришмоқдамиз. Бир мисол: Жапақ Шомуродов номидаги Нукус санъат билим юртининг икки талабаси Франция пойтахтида ўтказилган қуриқдан совринли ўрин олиб қайтишди. Мустақиллик ёшларимизга берган имконият эмасми бу?

Бутун халқимиз билан бирга ёшларимиз ҳам улғур бобомиз, улкан шоир Бердақ санъатининг 170 йиллик санасига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. «Хамшира-97», «Шунқорлар-97», «Уста-шоғирд» дастурлари асосида анча ишлар қилинди.

Жорий йил режаларимиз кўп. Улар ҳақида кенг тўхталиб ўтириш шарт эмас, деб ҳисоблайман. Тез кунлар ичида Қорақалпоғистон ёш тадбиркорлари фаолиятига хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича катта тадбир уюштирамиз. Тафсилотлар тўғрисида ўшанда ёзганингиз маълум.

**Қ. ЯНГИБОВ,**  
суҳбатлашди.

# КЕШЛИК ТАДБИРКОРНИНГ ОРЗУСИ

Халқимизда «Одам мансаби билан эмас, балки мансаб одами билан улғур», деган ҳикमत бор. Буни шундай тушуноқ керакки, узоқ шаҳарда беш-олти йил ўқиб, дипломи бўлиб қайтган, бирининг «бошини тутганидан сўнг», ҳамон «белгиланган қилип»дан чиқмасдан фақат килларининг доимий, «буни қил, буни бажар» қабилдаги кўрсатмаларига қўлоқ тутиб яшасанг, табиийки, биринг икки бўлиши қийин. Аксинча, ишга бутун ҳарфала ва эътиборинг билан кирисанг, зарур пайтда «ўзингдан чиқариб» керакли чорани қўлай билсанг, бир сўз билан айтганда тадбиркор бўлсанг, бутунни кунда пичоғинг мой устида бўлиши турган гап. Энди юқориди қўриқнинг иккинчи қисмига келсак, шундай дейишимиз мумкин: ҳар ким қурб етган ишга қўл урсин! Ўйлаб кўринг, кунг кечагина ҳар биримиз «тадбиркор» бўлиш орзусига тўшмовдикми? Газеталарда ўқиганми? — Ўн саккиз ёшли миллионернинг омади, «Фермер бўлиб, бойиб кетган оддий тракторчи йигит» ҳақидаги мақолалар кўпчилигимизни ҳавасимизни келтирган ва бизни-да тадбиркор бўлишга ундаган эди.

«Оммивий тадбиркорлик»нинг оқибати қандай бўлди? Қоп-қоп картошка пиедан тортиб, тоза-нотоза халталарга жойланган нимта гўшлар ортлаверган, поизларга бош сўкиб бўлмайдиган ҳолатга келганми. Ўз элининг ризқини қийиб четта озиқ-овқат, хом ашё олиб чиқишга уринган олғирлар ҳақида тез-тез ўқиб турадик.

Худода шукурки, бундай «тадбиркор»ларнинг пайи ўз вақтида қирқилиб, аҳвол яхшилана бошлади. Баъзиларда ҳовлиқишми, ховурми, ишқилиб анча босилди, улар ҳам фақат тинчгина, ҳалол меҳнатлари эвазига эртанги кунг бундан-да ёруғ, фаровон бўлишини тушуниб етайтилар. Аммо ҳақиқий тадбиркорлар, худди лойқа кетиб топ қолгандек, ҳозир ҳам бинойиш фаолият юргизаяптилар. Демак, ҳар ким «кучи етган» ишни қилиши кераклиги, ҳар қандай одам ҳам мансаб билан «улғур» бўлмасдан, балки мансабнинг ўзи одамнинг қўлига тушиб, улғур бўлишни кўриб турибмиз.

Эргаш Абдуллаев обод чойхона-ю, дўконлар қуриб, эндиликда шаҳри ободчиликка ҳисса қўшишдек имкониятга, демакки иқтисодий-молиявий томондан ўзига ишонarli мавқега эришиши учун озмунча меҳнат қилмади!

— Ўрта мактабни битиргач, шаҳардаги ошпазлик курсини тавомлаб, 22 йил мобайнида ошхоналарда ва «савдо соҳасида ишладим», — дейди у, — ушбу ошхонани сотиб олганимга қадар шу ерда ошпаз бўлиб ишлардим.

1992 йилнинг охиридаги у аччалан бери ўйлаб юрган ишга бел боғлади. Ушанда айрим кўчмас мулкларни сотиб олишга шартли эндиғиша етишиб келаётганди. Дусту-биродарларидан қарз кўтариб бўлса-да, шу ошхонани сотиб олишга жазм қилди. Ишни бутунлай бошқача ташкил этиши, ҳаммаси яхши бўлиши, ҳеч кимни «уялтириб қўймастим»ни турли раҳбарлар мутасаддиларга тушултириб, ваъдалар бериб бу мулкни сотиб олди ҳам. Эргаш Абдуллаев ўзи ишнинг бошланишида шаҳар умумий оқватлишида бошқармаси (ҳозирги «Ширин» ҳисдорлик жамияти) бошлиғи Саид Турсунов берган юрдами ва маданий доимо миннатдорчилик билан эслади. Бинонинг сотиб олиниши — катта ишнинг бошланиши эди, холос. Бино эскирган, бунинг устига даярли қўп-қуруқ эди. Нима қилиш керак? Тадбиркор албатта тадбир топади-да! У ўша йили давлатдан 15 миллион сўм-кўпон олиб, Қўнғирот яхши ичимликлар бирлашмаси билан кенг алоқаларни йўлга қўйди. Бунинг эвазига 6-7 ой ичида етарли маблаг тўплагани, ошхонани қайтадан таъмирлади, миллий услубда, гўзал шийпончалар қурилиб, атрофи обод қилинди. Ашуржон Нуруллаев ва Ақсаржон Турробовлардек пазанда ошпазлари ишдан Эргаш ака доимо хурсанд. Ошхонанинг ободлиги уларга ҳам бовлиқ-да. Шундан кейин ишлар юришиб кетди. Айтишгагина осон, бунинг чун озмунча меҳнат, саъй-ҳаракатлар сингмади дейсизми!

- Ҳар ким қурб етган ишга...
- Ўн саккиз ёшли миллионер
- Таққосларда ҳикमत бор

— Булар асосий сабаб эмас, гап сифат ва мижозга эҳтиромда, — дейди Эргаш Абдуллаев.

Ҳар гал Оқсарой ёнидан ўтаётиб, бир гал кичик ўғилчаси:

— Дала, Темури бобонинг уйини ёнидан ўтсангиз нега фотиха ўқимайсиз? — дебди.

— Қаранг-а, — дейди Эргаш ака бизга, — ёш бола бўлатириб, «Оқсарой — Темури бобонинг уйи» эканлигини билди-я?

Шундай дея ўзининг болалик даврини эслади. У кўнра Кешнинг машҳур «Қуроллик» маҳалласида туғилиб, ўсган. Мактабда, китоблардаги-ю, ўқитувчиларнинг Амир Темури ҳақидаги гаплари бир томон, буюқда — улғур Оқсарой, нуруний кеқсаларнинг соҳибқирон ҳақидаги эҳтиромли, гурурли ҳикоялари бир томон бўларди, буларни ҳеч тенглаштириб бўлмасди. Худода шукур, буюк бобокалоннинг тарихини ўрганишга бутун йўллар очилди. Ўғилчасининг саволи шунинг меваси бўлса ажаб эмас.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,**  
журналист.

# ШОДИЁНА ЭТМОҚДА ДАВОМ...

Чечаклар кулгусидан бошланган янги кунларимиз ҳамон қалбларга сурур бағишламоқда. Айниқса, Успенский номидаги республика ўрта махус музика мактаби ўқувчиларининг қувончини айтмайсизми...

Кунг кеча мазкур мактаб жамоати ўқитувчилари ташаббуси билан ўтказилган «Наврў» байрам фестивали уларда жулда катта таассурот қолдириб. Байрамга тақдир этишганида сумалакнинг таъми ва пловхонтураининг да-

рагини эшитиб, кайғимиз чоғ бўлди. Мактабга кириб борганимизда эса карнай-сурнай салоларини эшитиб янада яйраб кетдик. Тилларанг сочларига қўқонча дўппини қўндириб олган Саша, банорас тўн кийиб эстагини чапаниларча шоҳи қийиғига қистириб олган Абдулланинг хурсандлигини асти қўяверамиз.

Тантана ўтказилаётган залга одам сизмай кетибди ўзим. Мактаб директорини ўринбосари Дилдора Очилова барчани ўлкамизда кезиб юрган улғур айём билан

қутлади.

Жамалак сочларига толбартақ таққан қизчаларнинг шеърларини эшитиб, кўнглимизда ялғиз ва чўчмоаларнинг хушбўй нафасларини туйдик.

Фестивалга алоҳида тайёргарлик билан таширф буюрган Республика хореография билим юртининг Насиба Малраҳимова бошчилигидаги раққоса қизлар ижро этган аjoyиб раққослар кезиб ўзига шуқў бағишлади.

Улардан сўнг даврага Республика махус иқтисодиёт гимназиясининг раққоса


қизлари хиром айлаб кириб келишди. Жажжи раққоса Гулнозанинг хоразмча мўқолярию юз — кўзларидидаги самимийлиги ўша тилларанг сочли Сашавойини ҳам даврага чорлади. Чунонан завқ билан ўйнадики, мана бунг уйин деса бўлади.

Наврў таралдуғидидаги Фармонбўйи келинларининг мижозларини эса музика мактабининг «Ур, ҳо, сур, ҳо» гуруҳининг йигитчалари қойиллатиб ижро этишди. Фестивалга ҳомийлик қилган «Бешёғоч» фирмасининг директори Баҳолир Қаримов-

нинг тўёнаси қатнашчиларнинг завқига завқ улашди.

Кеча сўнггида Дилшодбекнинг айтган «Ялла» сидан кейин ҳам ҳеч кимнинг даврани тарқ этиси келмади. Лекин Бериора опа Раҳимова мактаб ошхонасида тайёрланган зиёфатнинг хабарини айтганидан кейин эса болакайлар шошиб қолдишди. «Қанийди ҳар кун шунақа байрам бўлса» — дедим уларнинг ортидан мамнун жилмайиб

**М. ТОЖИМАМТОВА.**



# МИЛЛИЙ ГУРУР — ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

Инсон дунёга келиб бир Ватан фўқароси, бир миллат фарзанди деб тан олинади, вояга етади. Шу миллатга, шу дийрға хос урф-одатлар, анъаналар, маданият, маънавий, тил унинг ҳаётида шаклланади, ривожлана боради. Шу тўғрисида ҳам унда шу миллатга, шу она-дийрға бўлган меҳр-муҳаббат, салоқат, мурувват хислати вужудга келиб, фахрлиниш, гурурданиш туйғуси пайдо бўлади, унинг олдига шу миллат, шу дийрға нисбатан жавобгарлик, бурчилик ҳисси ҳам намоён бўлади. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги машҳур сатрлари киши қалбини ҳар ўқиганда тўлқинлантириб юбориши ҳам худди шунандир:

...Ўзбегим деб кенг жаҳонга  
Не учун мадҳ этмайин  
Ўзлимгил билмоққа  
Даврим,

Берди имкон, ўзбегим...  
Она сайраси битта  
Бўлган инсонларга хос  
Бўлган маънавий, ахлоқий  
Фазилатлар борки, улар  
Ҳамма элат, миллатда ар-  
доқланади. Инсонийлик,  
эзгулик, поклик каби хис-  
латлар эътизоланса, ёвуз-  
лик, қабихлик, фирибгар-

лик, сотқинлик эса қораланади.

Буюк аллома Алишер Навоий биринчи мартаба турк тилида дурдона асарлар яратиб ўзбек халқининг ифтихорига айланган. Шунингдек, унинг қатор достонларида миллатлар ўртасидаги дўстлик, меҳр-мурувват, салоқат, поклик туйғуларини баланд нафсада қуйлаб, ҳақиқий инсонпарвар мутафаккир бўлиб жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшди. Барчага маълум бўлган «Фарҳод ва Ширин» достонини эста олайлик. Мардона Фарҳод Чин улқасидан, унинг дўсти Шопур эронлик, севики ёри Ширин арман халқининг фарзанди. Бу инсонларда ўз миллатига, халқига хос бўлган гўзал фазилатлар муҷассамлиги, буюк мутафаккир талқинида бу хислатлар умуминсонийлик руҳи билан сугорилди аянда жозибадор туйғуга, фазилатга айланиб кетди.

Муқаддас манбалардан ҳисобланган Куръони қаримда ва Ҳадиси шарифда ҳам бундай фазилатларга эга бўлишликка алоҳида давлат этилади: «Ўзингга назар қил. Сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки тангридан қўриқиб ва тақво билангана фазилатни

ниг зиёда бўлиши мумкин». Ёки бўлмас, «Кимки бирор миллатни дилидан севса, қиёматда тангри уни ўша миллат сафида трилтиради», — дейилган. Бу муқаддас сатрлар қалбидан қўриқиб нур бағишлаб, тафаккурингизни бойтади. Давримизнинг машҳур адибларидан Расул Гамзатов асаридида Францияда истиқомат қилаётган ўғил онасига овар тилида ҳамюрти орқали савдон йўллайди. Она сўрайди:

— Ўғлим, менга саломни қайси тилда баён этди, овар тилидами ёки францۇз?

— Француз тилида, — деб жавоб беради у йигит.

— Унда унга бориб айт, менинг ундай ўғлим йўқ.

Миллий гурур ўз она тилига бўлган меҳр-муҳаббати она-Ватанига, тарихига, урф-одатларига, маданиятига ва ниҳоят келажак тараққиётига бўлган муносабати, қўшган ҳиссаси билан белгиланади.

**Ў. ЖАЛОЛОВА,**  
фалсафа фанлари  
номзоди, доцент  
**М. ҚОЗОҚБЕВА**  
фалсафа фанлари  
номзоди.

# «ТУРКЧИМОҲ» — SOS

табларда эгалланган 20 нафар талабанинг 10 нафари, тенг ярами диктантда «Тўрткўл» атамасини хато эди. Бир неча нафар талаба «тайбобити» сўзининг қандай ёзилишини билмайдилар. Бир талаба эса диктантининг атиги бир сатрида 4 та жиддий имло хатосига йўл қўйди. Биз лотин ёзувида асосланган имлога ўтмоқдамиз. Бу қадар савод даражаси билан бу вазифани бажаришимиз оғир кечмасмикан? Яна бир ачинарли вазиятни ноқулай бўлса-да келтириб ўтмасак бўлмайди. Билим юрти ўқитувчиларининг маънавий, бугунги жараёнда ҳақиқати билимларини аниқлаш учун

булганлиги билан анчасининг билимлари саёз. Бир иншода ўйлаб имло хатоларига йўл қўйган талабалар бўлди. Сўхбат жараёнида айрим йигит-қизларнинг ойлаб, ҳатто йиллаб кутубхона осто-насида қалам босмаганлиги маълум бўлди. Гуруҳда «Тиб-бий одобнома» дарси ўтилар экан.

— Бу фан бўйича дарслик борми? — сўрадик. — Йўқ!  
— Бир дона дарслик ҳам йўқми?  
— Бир дона ҳам йўқ.

Албатта бу дарс янги жорий этилгани учун шундай деб ўйладик. Аммо суриштирсак, 4-гуруҳда ўзбек тили, рус тили, Ўзбекис-

та маънавий бойлигимиз. Билим юртларини дарслик, китоб билан таъминлаш яхшиланмас экан, ёшларнинг чуқур билим олишлари тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Билан юртини дарслик билан таъминлаш бўйича маблаг ажратилиши ўқда турсин, талабалар бир неча ойлаб стипендияларини олмаётирлар. Дўқон маошини вақтида ололма-са паррандаси, мол-ҳоли, полизи билан қўн қўриши мумкин. Етоққонча яна яшайдиган талабанинг на-маси бор! Энг ачинарлиси, талабаларнинг ман-фаатларини муҳофаза қи-

# Саводхонми, тиришқоқми талаба?!

Тўрткўл тиббиёт билим юртидаги таълим ҳамда маънавий тарбия жараёни тўғрисида айрим кузатишлар

юрти фаолияти мисолида жавоб изладик. Билим юртининг 3 та бўлими, 1 та шоқоҳбасида 1057 нафар ёшлар «Ҳамширалик иши», «Фельдшерлик», «Доялик» иқтисодларини эгалламоқдалар.

Биз тўрткўллик талабаларнинг савод даражасини таҳлил этишга жазм қилган эканмиз, нега айнан тиббиёт билим юртини мисол қилиб олдик? Ваҳоланки, Тўрткўлда каттагина дехқончилик коллежи ҳам бор. У ерда асосан агрономлар, механиклар тайёрланади. Булғуси агроном кўсақ қўртини одаларини билан чалқаштириб юборса, гўза ҳосил қилаймиш, механик

водхон, тиришқоқ талабаларидир. Бунга билим юртининг «Доялик» иқтисодини эгаллаётган 7-гуруҳ талабалари орасида анкета саводларини тарқатганимизда тўла пичоғи кейинги намуналаридан боخابар. Аммо билим юртининг барча гуруҳлари тўғрисида ҳам шундай деб бўлмайди. II боسقў 72-гуруҳ талабаларининг саводхонлигини аниқлаш учун улардан кичик бир матндан ёборат диктант олдинди. Умумий таълимни ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мак-

анкета тарқатдик. Пировардидида кўпгина ўқитувчиларининг теран билимлар эгаси эканлиги маълум бўлди. Аммо бир ўқитувчининг жавобларини туғалроқ ўқиб олиш ўқда турсин, анкета саҳифасидан унинг исми, фамилиясини англаб олишнинг ҳеч иложи бўлмади. Олий ўқув юртини битирган, талабаларга таълим бераётган ўқитувчининг дастхати, шу тахлит «мураккаб» ётаган матнида қатор имло хатолари бўлса, бунг қандай баҳолаш мумкин!

Талабаларнинг маънавий билимларини аниқлаш мақсадида I боسقў 4-гуруҳдан ишшо олдинди. Қатор талабаларнинг бу борадаги тушунчалари эътиборга лойиқ

тон тарихи, инглиз тили, математика ва бошқа фанлардан ҳам лоақал бирор нуска дарслик йўқ. Фақат биологиядан бир-икки дарслик бўлмаса, таълим жараёнини қандай тасаввур қилиш мумкин?

— Дарслик ёки уларни харид қилиш учун маблаг ажратилиш кейинги пайтда бутунлай тўхтаб қолди! — дейди билим юрти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари С. Рўзимбетов.

— Ахир биринчи боسقў талабаларининг ўрганганидан дарсликларни асосан ўрта мактаб дастуридаги китоблар-ку? — Умумтаълим мактабларини бошқа, билим юртимизни бошқа вазирлик таъминлайди. Китоб энг кат-

та маънавий бойлигимиз. Билим юртларини дарслик, китоб билан таъминлаш яхшиланмас экан, ёшларнинг чуқур билим олишлари тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Билан юртини дарслик билан таъминлаш бўйича маблаг ажратилиши ўқда турсин, талабалар бир неча ойлаб стипендияларини олмаётирлар. Дўқон маошини вақтида ололма-са паррандаси, мол-ҳоли, полизи билан қўн қўриши мумкин. Етоққонча яна яшайдиган талабанинг на-маси бор! Энг ачинарлиси, талабаларнинг ман-фаатларини муҳофаза қи-

Я. ҚҶҚОРОВ.  
«Туркистон» муҳбири.

ДУШАНБА, 14

8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Ҳафтаном»...

Ўзбекистон! Тонгги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи...

ақлнинг кўзи». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ҳазина»...

наволар. 21.35 Иймон. «Ҳазрати Усмон Куръон». «Ўзбектеlevision»...

5.00 — «Хайрли тонг!» телеканали. 17.00 — Янгиликлар (сурдо-таржима билан)...

«РОССИЯ» КАНАЛИ 21.00 — «Вести». ШАНБА, 19 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Музыка ва шеър»...

9.00 «Боланинг тили...». 9.15 «Ерилотш». Мультфильм...



ЁШЛАР ТВ ҲАҚИДА

1. Ҳафта давомидан қанси кўрсатув сизни дом этати? 2. Қанси бирдан кўнглингиз тўлмеди? 3. Тақдирингиз...

1. «Ташриф» мен ва оламда ҳар доим интиқил билан кутадиган кўрсатув дег олам. 2. «Совгадан»...

ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ВА КИЧИК ИШЛА ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ДУШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Яхши кайфият»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ҳазина»...

5.00 — «Хайрли тонг!» телеканали. 17.00 — Янгиликлар (сурдо-таржима билан)...

«РОССИЯ» КАНАЛИ 21.00 — «Вести». ШАНБА, 20 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Музыка ва шеър»...

9.00 «Боланинг тили...». 9.15 «Ерилотш». Мультфильм...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Музыка ва шеър»...

«ТОЗА ҲАВО» — ТОЗА ҲАВО УЧУН

Республикамиз ҳудудда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг сони, тури кун сайин кўпайиб бораётган. Бу ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратиш, зарур бўлган чора-тадбирлар кўришни тақозо этади.

ҳиссасини кўшиш ҳаракатида бўлиши лозим. Тошкент шаҳар ИИББ, ДАНБ ҳодимлари жорий йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказди. Унга Тошкент шаҳар Табиати муҳофазат қўмитаси, Ер-ёғ ва газ маҳсулотлари назорати ҳамкорликда, кент жамоатчилики жалб этган ҳолда «Атроф-муҳитни автотранспортнинг захарли газ ва тўтунларидан муҳофазат қилиш ҳамда ер-ёғ маҳсулотларининг тозаланиши текшириш» бўйича тузилган махсус режага асосан текширув ишлари бошланди.

А. ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ, ДАНБ тарғибот бўлими катта ноизири.

9 март кун «Пахтакор» — «Навбахор» жамоалари учрашуви билан футбол бўйича миллий биринчилиkning 6 — турига яқин ясади. Демак, биринчилик ўзининг дастлабки довоини олиб ўтди. Бу эса Олий табақа жамоаларининг янги мавсумга қандай тайёргарлик билан кириб келганини ҳақиқатан мувоҳаза юретишига асос яратди.

Олий табақа икки жамоага кўпайсаланиш тўғриси бўлди, 2 йўқми деган саволни қўйишга бироз фурсат бўлса-да, турнир жадвалидаги ҳолат барчани уйлантириши ҳам табиийдир.

ПЕШҚАДАМЛАР

Пешқадамларга назар ташлаётган бўлсак, ҳар гапга-дега ўша олтилик МХСК, «Пахтакор», «Нефтчи», «Дўстлик», «Бухоро», «Навбахор». Фақат ўтган йилдаги нисбатан уларнинг жойлашиши ҳар хил. Аввало, «Пахтакор»нинг карвонбошларини-

да, уни Испаниянинг «Депортиво» Ла-Корунья жамоасига ўхшатишни яқин кўраман. «Депортиво» ҳам доимий равишда турнир жадвалининг пешқадами бўлиб юради. Фақат сўнгги 4-5 турга келганда ундан «Реал», «Барселона» олтин медалини олиб кетишди. МХСК-да муҳими интилиш бор. Фақат бошланган ишни охирига

таркиби ҳам бир текисда эканлиги барча чизикларда ҳақиқий «Ижрочилар» мавжудлигидан яққол намоён бўлди.

Федоров, Фузайлов, А. Дурмонов, Атоян, Лебедев, Бозоров, Р. Дурмонов, Мақсудовларнинг уйини жамоага узатча руҳ бағишлагани табиий. Тўғлар нисбати 22-7 эканлиги ҳам унинг ҳужум чизигининг ниҳоятда кучлидигидан далолатдир.

Хуллас, «Нефтчи» ҳозирда-ноқ бешинчи бор олтин медални қўлга киритишга тайёр. Кимдан кимдан, лекин «Навбахор»дан мавсум бошидан бундай ўйин кутмаган эдик. Жамоада қандайдир бирлик йўқ. «Чилонзор» билан учрашувда

тўлиқ ўйин устунлигига эришиб, яқини натижани эса ўз фойдасига ҳал эта олмаслик «Навбахор»га ярашмаслиги маълум ҳолдир.

КҲҲИ ТАБАҚАГА ТУШИШГА ДАЪВОГАРЛАР

Агар жадвалнинг қуйи погонасига назар ташласангиз Олий табақа таркибини икки жамоа ҳисобига кўпайтириш эмас, камайтириш лозим эди, деган ҳаёлга бора-сиз. «Хоразм», «Сурхон», ажабланириси «Янгир» ҳанузгача Олий табақага ҳос ўйин кўрсатишга олмапти. «Косонсой», «Насаф», «Зарафшон» ҳам улардан узоқ кетишгани йўқ.

УРТАМИЁНАЛАР

Азалдан ўртаамиёналардан кўрқинг, улар ўзларининг имкониятларини орқасига баҳолаб, ўзларини кучли билдиришга, деган нақл бор. «Трактор», «Атласчи», «Сўғдиёна», «Андижон» жамоалари ҳам ана шундай аҳволда қолмасинлар, дейман. Лекин, наҳора. Ҳамма ўз жойини ўзи белгилайди.

Хуллас, Олий табақа ҳақидаги бугунги дастлабки уйларишимиз ана шулар. Қолгани қандай бўлишини вақт кўрсатади. Биз эса ўтган йилги каби ўтган ойнинг рамзий жамоасини тузишга аҳд қилдик.

Н.СУБҲОНОВ

Table with 7 columns: Rank, Team, Goals, Assists, Points, etc. for the 6th round of the tournament.



ЯШИЛ МАЙДОН БЕЛЛАШУВЛАРИ

нг бири эканлиги барчани қувонтиради. Бугунги «Пахтакор» назаринида аввалгиларидан бир муҳим томони билан ажралиб турибди. Бу ушшоқлик, бир бирини тушунишдир. Тўғри, «Пахтакор»да доим ўзига ҳос бир ўзи ўйин тақдирини ҳал эта олувчи ижрочилар бўлган. А. Абдураимов, Д. Назаровлар ҳам ана шундай ижрочи эканлиги барчага маълум. Лекин, ушшоқлик масаласида оқшарлар охири йилларда жамоани ҳеч тарқ эта олмасди. Ким билди, шу ижобий сифатлар билан жамоа беш йиллик танаффусдан сўнг, яна шохсупанинг асосий даъвогарга айланар.

Table titled 'РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОА II. Бугало (Пахтакор)'. It lists players and their statistics.

ЮПДУЗЛАР САМОДАН СУЗЛАЙДИ

Advertisement for 'KUY' (KUY) featuring various services like 'KUY. Майга кўп хурж қилманг. Охири ёмон тугайди.' and 'УҚОТАР. Моддий манфаат ва бизнес муваффақияти сиз билан.'

001 ХАБАР ҚИЛАДИ

Advertisement for 'BAHODDA' (BAHODDA) featuring 'Баҳорда ёғингарчиликнинг мўл бўлиши фаворитлигимиз гаровидир.'

Advertisement for 'KUYLAM ICHOMLARI SHAMSIYALAR' (KUYLAM ICHOMLARI SHAMSIYALAR) featuring poetry and a list of products.

Advertisement for 'Jahon futbolni angliklari' (Jahon futbolni angliklari) featuring a match report between Dortmund and Ajax.

Advertisement for 'Pichokdagi kon yuki...' (Pichokdagi kon yuki...) featuring a story about a gold mine and a list of products.

Advertisement for 'KUYLAM ICHOMLARI SHAMSIYALAR' (KUYLAM ICHOMLARI SHAMSIYALAR) featuring a list of products and contact information.

Advertisement for 'Uzbekiston Eshlarining Kamopot' (Uzbekiston Eshlarining Kamopot) featuring 'Хомис: узбекистон республикаси маъбуот тарқатиш уюшмаси ассоциацияси'.

Advertisement for 'Boh muharrir Abdugodir NIEZOV' (Boh muharrir Abdugodir NIEZOV) featuring 'Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожиаматова.'

Advertisement for 'TAXIRIYAT' (TAXIRIYAT) featuring 'Мабулжона — 36-56-58, 33-95-97; Котибят бўлими — 36-54-64; Котибят бўлими — 33-79-69; Ижодкор кўчалар бўлими — 36-54-64; Спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибят — 36-54-64.'

Advertisement for 'Muzalliflar fikri' (Muzalliflar fikri) featuring 'Муаллифлар фикри тахрирлат нусхаси назарини фарқлаштириш мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ.'